

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ КИМЁЛАШТИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ)

*Насретдинов Қобул Махамаджонович-тарих фанлари номзоди,  
доцент. Андижон давлат чет тиллар институти, ижтимоий-гуманитар  
фанлар ва педагогика, психология кафедраси,*

### Аннотация

Мақолада муаллиф илмий-тариҳий адабиётлар ҳамда арихив манбалари асосида XX асрнинг биринчи ярмида Совет ҳукумати томонидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачилик соҳасида кимёлаштириш жараёнини кенг қўламда амалга ошириш чора-тадбирларини сабаблари, моҳияти ва оқибатлари илмий таҳлил қилинган.

Шунингдек мақолада, Совет ҳукумати томонидан суғорма дехқончилик соҳасида қўлланилинган ноилмий агротехник усулларни қўлланилиши натижасида табиат ва инсон ўртасидаги ўзаро мувозанатни бузилиши жараёнига асос солиниши ҳам илмий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Фарғона водийси, қишлоқ хўжалиги, кимёлаштириш, заҳарли химикат, минерал ўғит, пахтачилик, суғорма дехқончилик, пахта нури, ҳосилдорлик, мелиорация, пахта якка ҳокимлиги, агротехника, ирригация, зовурсиз суғориш.

## ИЗ ИСТОРИИ ХИМИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА (ПЕРВАЯ ПОЛОВИНА ХХ ВЕКА)

*Насретдинов Кабулжан Махамаджанович- кандидат исторических наук,  
доцент. Андижанский государственный институт иностранных языков,  
кафедра общественно-гуманитарных наук и педагогика, психология.*

### Аннотация

В статье автор на основе архивных документов, научно-исторических источников и литературы анализирует историю развитие химизации сельского хозяйства Узбекистана в первой половине XX века, особенно в области хлопководства в широких масштабах.

А также в статье научно проанализированы причины, сущность и последствия данного мероприятия которая послужило основой применения ненаучных агротехнических методов советской властью в области орошаемого земледелия в результате чего было нарушено равновесия между природой и человеком.

**Ключевые слова:** Ферганская долина, сельское хозяйства, химизация, ядовитые химикаты, минеральные удобрение, хлопководство, орошающее земледелие, луч хлопка, урожайность, мелиорация, монокультура хлопка, агротехника, ирригация, без коллекторное орошение.

## FROM THE HISTORY OF CHEMICALIZATION OF AGRICULTURE (FIRST HALF OF THE 20TH CENTURY)

*Nasritdinov Kabulzhan Mahamadzhanovich - Candidate of Historical Sciences, Associate Professor. Andijan State Institute of Foreign Languages, Department of Social Sciences and Humanities and Pedagogy, Psychology.*

### Annotation

In the article, the author, on the basis of archival documents, scientific and historical sources and literature, analyzes the history of the development of chemicalization of agriculture in Uzbekistan in the first half of the XX th century, especially in the field of cotton growing on a large scale.

And also in the article the reasons, essence and consequences of this event are scientifically analyzed, which served as the basis for the application of non-scientific agrotechnical methods by the Soviet authorities in the field of irrigated agriculture, as a result of which the balance between nature and man was disturbed.

**Key words:** Ferghana Valley, agriculture, chemicalization, toxic chemicals, mineral fertilizers, cotton growing, irrigated agriculture, cotton ray, productivity, melioration, cotton monoculture, agricultural technology, irrigation, without collector irrigation.

XX асрнинг 20 йилларида Совет ҳокимияти томонидан тоталитар, маъмурий буйруқбозликка асосланиб амалга ошира бошланган трансформацион жараёнлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистон республикасида қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш 1937 йилда туталланди[1,34]. Шу йили колхозларга дехқон хўжаликларининг 95 фоизи бирлаштирилиб колхозларнинг экин майдонларида ҳиссаси 99,4 фоизга тўғри келди[1,8].

Дарҳақиқат тадқиқ этилаётган даврда Совет ҳукумати Фарғона водийсида ер-сув масалаларида дастлабки трансформацион жараёнларни амалга ошириш, сув хўжалигининг ривожланиши ва пахта яккаҳокимлиги сиёсатига бўйинсундириш, суғорма дехқончиликдаги мелиорация муаммоларини ҳал этиш борасида амалий чора-тадбирларни амалга ошириди[3,].

Натижада, кўп минглар давомида миңтақада шаклланган интенсив тараққиёт йўлига асосланиб шаклланган қишлоқ хўжалиги, суғорма дехқончилик соҳаси ҳам экстенсиқ тараққиёт йўлига ўтказилди.

Ушбу жараён яъни 1917-1937 йилларда аграр соҳада деформацион ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар амалга оширилиб, кўп укладли иқтисодиёт, асрлар мобайнида шаклланган хўжалик юритиш анъаналари ўрнига, ижтимоий мулкчиликка асосланган янги хўжалик юритиш шакллари колхозлар ва совхозлар қарор топтирилди.

Совет ҳокимияти тадқиқ этилаётган даврда, яъни XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда, жумладан республиканинг тадқиқ этилаётган даврдаги асосий пахта хом ашёсини етиштириб берувчи Фарғона водийси ҳудудларида пахта ҳосилдорлигини ошириш, унинг сифатини яхшилаш борасидаги фаолияти мобайнида кимёвий ва минерал ўғитлардан кенг кўламда фойдаланиш борасида ҳам амалий ишларни амалга оширди. Бу тадбирни амалга оширилишига асосий сабаблар фикримизча қуидагилардан иборат бўлди. Биринчидан; водий суғорма дехқончилигига дехқончилик майдонларидағи ер ости сизот сувлари сатҳини пасайтиришда амалий аҳамияти юқори бўлган азалдан қўлланилиб келинган сув ташламалари яъни зовурлар кўмилиб, пахта майдонларини ҳажми орттирилиши туфайли дехқончилик майдонларидан олинадиган пахта ҳосилини миқдор жиҳатидан камайиши. Иккинчидан; тадқиқ этилган даврда қўлланилинган “зовурсиз суғориш” усулини кенг қўлланилиши натижасида ерларни мелиоратив ҳолатини ёмонлашуви ва уларни қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб яроқсиз ҳолатга келиши каби салбий оқибатлар қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини айниқса саноатбоп пахта хомашёси ҳосилдорлигини ошириш учун кенг кўламдан кимёвий ўғитлардан фойдаланиш масаласи долзарб вазифа сифатида мутасадди ташкилотлар зиммасига юклатилди.

Жумладан, пахта етиштириш амалиётида илк маротаба “пахта нури” деб номланган минерал ўғитни кенг қўлланилини бошланди. Ушбу ўғит билан республика миқёсида 1927 йилда 127500 гектар пахта майдонига 7652 тонна ўғит ишлатилинган бўлса, 1930 йилга келиб ушбу кўрсатгич 222600 гектар ва 85060 тонна ташкил этиб, пахта ҳосилдорлиги 15 фоиздан 20 фоизга кўтарилди[4, 19].

Пахта ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлар билан бирга маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш йўлга қўйила бошланди. Жумладан, 1929 йилда жами пахта майдонларининг 15,2 фоизи маҳаллий ўғитлар билан ўғитланган бўлса, 1933 йилга келиб бу кўрсатгич 60,3 фоизга етди[5, 247].

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки республикадаги пахта майдонларини оммавий равишда минерал ўғитлаш тадбирлари 1931 йилда кенг қўлланилини бошланди. Республика пахта майдонларининг ҳар гектарига 1931 йили фақат 2 килограммдан фосфор солинган бўлса, 1932 йилда бу кўрсатгич 4

килограмм фосфор ва 2 килограмм азотни ташкил этди. Амалга оширилган чоратадбирларга қарамасдан республика миқёсида беш йиллик даврида (1928-1932 йиллар) пахта етиштириш гектар бошига 7-9 центнердан ошмади[2, 10].

Иккинчи беш йиллик (1933-1937) даврида пахта етиштиришда колхоз ва совхозлар томонидан минерал ўғитлардан фойдаланиш кенг қўлланилина бошланди. Жумладан, 1934 йилида республика миқёсида пахта етиштиралидиган ҳар бир гектар дала майдонига соф ҳолда 14 килограмм азот ва 17 килограмм фосфор, 1935 йилда эса, 21 килограмм азот ва 20 килограмм фосфор, беш йилликнинг охирги 1937 йилга келиб, 26 килограмм азот ва 29 килограмм фосфор ўғитлар солинди.

Учинчи беш йилликда пахта ҳосилини оширишда минерал ўғитлардан фойдаланиш миқдори икки бараварга кўпайиб, 1939-1941 йилларда ҳар гектар пахта экилган майдонга 50 килограмм азот ва 55 килограмм фосфор солинди[2, 10-11].

Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигида айниқса, етакчи ҳисобланган пахтачилик соҳасида кенг қўламда кимёвий ва минерал ўғитлардан фойдаланиш борасидаги фаолиятини ошириш мақсадида 1941 йил 25 январда қишлоқ хўжалиги техник экинлари, айниқса пахта ҳосилдорлигини оширишда зарур бўлган, аммиак селитрасининг ишлаб чиқаришга ихтисослашган Чирчиқ электр кимё комбинатининг биринчи навбатини барпо этилиб ишга туширилди[6, 447].

Собиқ иттифоқ бўйича минерал ўғитлардан ҳар гектар экин майдонларига тавсия этилган ишлатилиш нормаси 30 кг бўлгани ҳолда республика зироатчилик майдонларида уларни ишлатилиш миқдори 400-500 кгни ташкил этган. Заҳарли химикатлардан фойдаланиш меёри бир гектар ерга 1-2 килограмм бўлгани ҳолда, республикада уларнинг ишлатилиш кўрсатгичлари бир гектарга 35 килограммгачани ташкил этган[7, 133-134].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Совет ҳукумати XX асрнинг биринчи ярмида пахта мустақиллигини қўлга киритиш баробарида, Ўзбекистон ССР нинг барча суғорма деҳқончилик воҳаларида, жумладан, Фарғона водийсида пахтачилик соҳасининг кенг қўламда ривожлантириш, унинг ҳосилдорлигини миқдор жиҳатидан кўпайтириш учун илк бора кимёвий ўғитларни қўллаш жараёни бошланди. Бу ҳолат ўзининг ижобий натижаларидан кўра кўпроқ салбий оқибатларни қарор топишига сабаб бўлди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Алимов И. В.И.Ленин ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш.-Тошкент: Фан,1986.-Б.34.
2. Сайдов Ж., Баръетас П. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши.-Тошкент: Ўзб. КП МКнинг бирлашган нашриёти, 1968.-Б.8.

3. Кабулжон Махамаджанович Насритдинов Совет ҳукумати аграр сиёсатида ер-сув масалалари ва дастлабки трансформацион жараёнларни амалга оширилиши (Фарғона водийси мисолида) //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2022. – №.SI.[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=TqQzoscAAAAJ&citation\\_for\\_view=TqQzoscAAAAJ:u-x6o8ySG0sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=TqQzoscAAAAJ&citation_for_view=TqQzoscAAAAJ:u-x6o8ySG0sC)
4. Кабулжон Махамаджанович Насритдинов "Фарғона водийси дехқончилигидаги мелиорация муаммолари: тарихи ва таҳлили (XX асрнинг биринчи ярми)." ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ 22 (2019).  
[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=TqQzoscAAAAJ&citation\\_for\\_view=TqQzoscAAAAJ:d1gkVwhDpl0C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=TqQzoscAAAAJ&citation_for_view=TqQzoscAAAAJ:d1gkVwhDpl0C)
5. Кабулжон Махамаджанович Насритдинов "Сув хўжалигининг ривожланиши ва пахта яккаҳоқимлиги сиёсатига бўйинсундирилиши тарихидан (Фарғона водийси мисолида)." ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ 6.2 (2023).  
[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=TqQzoscAAAAJ&citation\\_for\\_view=TqQzoscAAAAJ:2osOgNQ5qMEC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=TqQzoscAAAAJ&citation_for_view=TqQzoscAAAAJ:2osOgNQ5qMEC)
6. Два года социалистического строительства в Узбекистане. Отчет правительства УзССР IV съезду Советов Узбекистана. 1929-1930 гг.-Ташкент: 1931. -С.19.
7. Статистический справочник по хлопководству.-Москва: 1934.-С.247.
8. Ўзбекистон тарихи. Иккинчи китоб (1939-1991й.).-Тошкент: O'ZBEKISTON, 2019. -Б.467.
9. Духовный В.А., Виленчик В.Б и др. Научно-технический прогресс и мелиорация земель в Средней Азии. - Ташкент: Мехнат, 1985. -С.133-134.